# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 18 август, № 163 (5583) Шанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 август куни Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги АҚШ ишбилармон доиралари делегациясини қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимизнинг етакчи компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил кенгайиб бораётганини таъкидлади. Америка — Ўзбекистон савдо палатаси томонидан ташкил этилган, АҚШнинг етакчи ва аксарияти глобал трансмиллий мақомга эга бўлган 25 компанияси раҳбарларидан иборат қарийб 80 бизнесмен иштирок этган бизнес-форумнинг муваффақиятли ўтказилганини ижобий баҳолади.

Учрашувда АҚШнинг етакчи компаниялари ва уларнинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги ўзаро манфаатли бизнес муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилган иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Американинг “Женерал Моторс”, “Боинг”, “Локхид Мартин” ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари билан анча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келинаётгани ўзаро муносабатларда тўпланган ижобий тажрибанинг ёрқин мисоли сифатида қайд этилди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган. Мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми 2 миллиард доллардан ошди.

Кэролин Лэмм ва Америка бизнесининг бошқа вакиллари давлатимиз раҳбарига кўрсатилаётган эътибор ва Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иш юритишига яратилган қулай шароит учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар ва Ўзбекистон бозорида АҚШ инвестициялари, технологиялари ва юқори технологияли компаниялари фаолиятини янада кенгайтиришнинг кенг истиқболлари мавжудлигини таъкидладилар.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси катта муваффақият билан ўтган бизнес-форумда “Женерал Моторс”, “Боинг”, “Женерал Электрик”, “Локхид Мартин”, “Мерк”, “Рио Тинто”, “Уайт энд Кейс”, “Анадарко”, “Кейс Нью Холланд”, “Нукем”, “Солар Турбайнс”, “Катерпилар”, “Зеппелин” ва бошқа энг нуфузли компанияларнинг иштирок этгани АҚШ ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга катта қизиқиши юксалиб бораётганидан далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, юртимизда замонавий Америка технологияларини жалб қилган ҳолда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасида кенгайиб бораётган имкониятлар, мамлакатимизнинг Ўрта Осиёдаги йирик бозор сифатидаги стратегик аҳамияти бундай қизиқишнинг асоси экани таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг бой минерал-хом ашё салоҳияти, ривожланган саноат ва транспорт инфратузилмаси, юксак малакали кадрлари, шунингдек, хорижий инвесторлар учун имтиёзлар, преференциялар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларининг ишончли тизими қўшма лойиҳалар муваффақиятининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 ва 18 июль кунлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка катта эркинликлар бериш, шунингдек, ҳисобот топшириш, лицензия ва рухсатномалар олиш борасида бизнесга қўйиладиган талабларни қисқартиришга йўналтирилган фармонларининг аҳамияти юксак баҳоланди.

Бўлиб ўтган бизнес-форум давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида машинасозлик, металлни қайта ишлаш, энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, нефть-газ кимёси, электротехника ва тоғ-кон саноати, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда умумий қиймати қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил этувчи 21 лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани мамнуният билан таъкидланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ва АҚШ ишбилармон доиралари вакилларига ўзбекистонлик шериклари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда муваффақиятлар тилади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## Фахр

*— Ўзбекистон истиқлол йилларида барча соҳалар қатори ҳаво йўллари тармоғида ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Тармоқда яратилган замонавий, қулай ва хавфсиз инфратузилма, юқори сифатли сервис хизмати ҳар қандай шароитда, ҳаттоки, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам тараққиёт барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиб, йўловчилар эътирофига сазовор бўлмоқда.*

**Август Вильгельм ХЕННИНГСЕН, “Lufthansa Technik” ижроия кенгаши раиси.**

### «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

# Қулай ва ишончли парвоз

Юртимизнинг иқтисодий, шу жумладан, транспорт-коммуникация салоҳияти ҳақидаги бундай эътирофларни кўплаб нуфузли ташкилотлар, мутахассису экспертлардан мудом эшитамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, биргина фуқаро авиацияси соҳасида эришилаётган натижалар ҳам фикримизга ёрқин тасдиқ бўла олади.

Шубҳасиз, Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони юксак марраларга эришишда муҳим пойдевор бўлди. Шу асосда жабҳада кенг кўламли модернизация ва техник-технологик қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, босқичма-босқич самолёт парки янгиланди. Яъни эски “Ил-86”, “Ил-62”, “Ту-154” русумлари ўрнига дунё тажрибасида синовдан ўтган “Boeing-757/767”, “А310/320”, “Rj-85”, ёнилғи сарфлашда ниҳоятда тежамкор ва маҳаллий шароитга мос ўзимизнинг “Ил-114/100” ҳаво кемалари парвозга қўйилди. Ўз навбатида, сўнгги русумдаги ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича илғор база ҳам яратилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимининг тубдан реконструкция қилиниши асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича самарали моделга асос солинди. Пировардида илғор стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ҳаво флотимиз жадал равнақ топиб, барчамизнинг фахру ифтихоримизга айланди.

Айни кунларда ҳам “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси жамоаси мамлакатимиз Ҳаво флоти куни ва Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини янги ютуқлар ҳамда ижобий натижалар билан муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Жорий йил 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон — Америка сиёсий маслаҳатлашувларининг учинчи даври бўлиб ўтди. Америка делегациясига АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк бошчилик қилди.*

### Ўзбекистон — АҚШ:

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Бўлиб ўтган сиёсий маслаҳатлашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг кўпгина жиҳатлари, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий ва хавфсизлик соҳасидаги алоқаларнинг ривожи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Америка делегациясининг раҳбари Роберт Блейк АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик муносабатлари даражасини юқори баҳолади. У икки давлат ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон — Америка мулоқотининг устувор йўналишлари бўлиб қолаётганини қайд этди. Р. Блейкнинг фикр билдиришича, ҳар йили сиёсий маслаҳатлашувларнинг ўтказилиши икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва диверсификациялашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти тўғрисидаги саволга жавоб берар экан, Р. Блейк республикамиз ўтган давр мобайнида иқтисодиётни диверсификациялаш, саноат жабҳасини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш борасида улкан тараққиётга эришганини таъкидлади.

— Буларнинг барчаси хорижий инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деди у. — Хусусан, бизнинг делегациямиз таркибидан ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинган Ўзбекистон — Америка бизнес форумида иштирок этиш учун юртингизга келган 25 та компаниянинг вакиллари жой олган.

Шунингдек, Р. Блейк Ўзбекистоннинг минтақада тутган муҳим ўрнини ҳамда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тикланишидаги фаол иштирокини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда Роберт Блейк Афғонистон транспорт-коммуникация соҳасининг тараққиётига хизмат қилаётган “Ҳайратон — Мозори Шариф” темир йўл тармоғи қурилишининг лойиҳасини тилга олди.

Мамлакатимизнинг Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларини ижобий баҳолар экан, Р. Блейк республикамиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан АҚШ раҳбарияти номидан Ўзбекистон халқини қутлади.

**«Жаҳон» АА.**

Тошкент

# ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА БИЗНЕС-ФОРУМИ

*Тошкентда 17 август куни Ўзбекистон — Америка бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда АҚШ Маъмуриятининг юқори мартабали аъзолари, Американинг 25 етакчи компаниялари ва ишбилармон доиралари, шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати, вазирлик ва идоралари, йирик компаниялари, халқаро молия институтлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.*

Тадбирда сўзга чиққан АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Р. Блейк навбатдаги Ўзбекистон — Америка бизнес-форумининг Тошкентда икки мамлакат ўртасида олий даражада ўрнатилган дипломатик муносабатларнинг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўтказилаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади. Мазкур анжуманда АҚШнинг жаҳонга машҳур “Женерал Моторс”, “Боинг”, “Женерал Электрик”, “Локхид Мартин”, “Мерк”, “Рио Тинто”, “Уайт энд Кейс”, “Анадарко”, “Кейс Нью Холланд”, “Нукем”, “Солар Турбайнс”, “Катерпилар”, “Зеппелин” каби йирик компанияларининг иштирок этаётгани ҳам бундай компанияларнинг Ўзбекистонга инвестиция киритишга катта қизиқиш билдираётганидан далолатдир.

Р. Блейк мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам асосга эга икки томонлама муносабатлар шаклидаги савдо ва инвестицион ҳамкорлик учун кенг истиқболлар мавжудлигини, Ўзбекистон иқтисодиёти улкан салоҳиятга эга эканини ҳамда мамлакатимиз минтақада етакчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб бораётгани нафақат Ўрта Осиёдаги қўшни мамлакатлар учун, балки Афғонистонга электр энергиясини етказиб бериш ҳамда транспорт ва темир йўл инфратузилмасини яратишга кўмаклашиш орқали Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат иқтисодий ривожланишига ёрдам бераётгани муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Р. Блейк АҚШ Маъмуриятининг Ўзбекистон билан иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтиришни, Американинг етакчи компаниялари ҳамда уларнинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги ўзаро манфаатли ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашини тасдиқлади.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Лэмм хоним АҚШ ва Ўзбекистон компанияларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун шарт-шароит яратиб бераётган икки мамлакат ҳукуматларига миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистонда қўшма корхоналар сони кўпайиб бораётгани, бу корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми тобора кўпайиб, ички ва ташқи бозорларда, жумладан, АҚШ бозорларида ҳам ўз харидорларини топаётгани ана шундай изчил ишлар самараси эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# Маҳалла – мустаҳкам оила суянчи

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

## Анжуман

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг ваколатлари кўламини кенгайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун маҳалла ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги 30 дан зиёд вазифани бажариб келмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни тарғиб қилиш, маданий-маърифий тушунтириш ишларини амалга ошириш орқали оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш шулар жумласидандир. Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажаришда фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган Яраштириш комиссияларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Яъни у оила ва маҳаллаларда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, шунингдек, тўй ва бошқа маросимларни ихчам, аҳоли манфаатлари, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Комиссиялар таркибига катта ҳаётий тажрибага эга, обрў-эътиборли, ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган йиғин аъзолари

(Давоми 2-бетда).

## Инновацияларнинг амалий натижалари

**Бир рақам шарҳи**

Шу йилнинг биринчи ярмида

Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати

**190** миллиард сўмдан ошди.

***Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш лойиҳалари ижросида юртимиз олимлари томонидан яратилган илғор инновацион ишланмалар, замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётгани ресурс тежамкорлигига эришиш, маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини кескин ошириш имконини бераяпти.***

# Меҳр-оқибат ва саховат айёми

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда рўй бераётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Тинч-осуда юртимиздаги бу янгиланишу ўзгаришлар сизу бизнинг, фарзандларимизнинг эртаси бугунидан ҳам нурафшон бўлишига хизмат қилмоқда.*

## Дил сўзи

Умуман, Мустақиллик шарофати билан халқимиз учун чексиз имкониятлар эшиги очилди. Ушбу неъматнинг элимизга берган бахт-саодатининг ҳад-ҳудуди йўқ. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори барчамизга беҳад қувонч улашди.

Рамазон ҳайити — улуғ байрам. Бундай шодиёна кунларда хушкайфиятда бўлиб, аҳли оила, қариндош-уруғ, қўни-қўшнини қутламоқ савоб юмушдир. Зеро, силаи раҳм, меҳр-оқибат, саховат каби халқимизга хос хислатлар бу кунларда янада яққолроқ намоён бўлиши ҳам ушбу байрамнинг азалий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланганидан дарак беради. Шундай экан, мазкур шодиёна давомида йиғи-сиғи қилиб мотам тутиш, турли бидъат-хурофотларга берилиш асло ярамайди. Аксинча, Рамазон ҳайитининг кўнгилдагидек ўтиши, бу фурсатда ташкил этиладиган турли маросимларда элимизнинг янада бахтли, дастурхонларимизнинг бундан-да баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан сўрасак мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси ўзбекистонлик шериклар билан йигирма йилдан буён муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келаётган “Женерал Моторс”, “Боинг”, “Локхид Мартин”, “Женерал Электрик”, “Катерпилар” каби компаниялар фаолияти Америка билан Ўзбекистон ўртасидаги узоқ муддатли ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олишини таъкидлади.

К. Лэмм Ўзбекистонда ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳамда улкан самараларга алоҳида эътибор қаратди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил июль ойида қабул қилинган, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, шунингдек, бизнесга ҳисоботлар, лицензиялар ҳамда рухсат бериш бўйича қўйиладиган талабларни камайтиришга қаратилган фармонларига юксак баҳо берди.

Шу билан бирга, К. Лэмм Ўзбекистонда замонавий бозор иқтисодиётини ташкил этишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг юксак натижалари, бой инсон ва минерал ресурслари, ривожланган замонавий инфратузилма ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиши Ўзбекистонга Америка инвестицияларини жалб этиш учун катта истиқболлар очишини қайд этди.

Бизнес-форумда АҚШ савдо вакили ёрдамчисининг ўринбосари М. Бурр хоним, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, АҚШ ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари, шу жумладан, “Локхид Мартин”, “Мерк”, “Кейс Нью Холланд”, “Женерал Электрик” ва бошқа компаниялар, шунингдек, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки раҳбариятининг вакиллари ҳам сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Америка компаниялари ўртасида машинасозлик, металлга ишлов бериш, энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, нефть-газкимё, электр техника ҳамда тоғ-кон саноати, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда умумий қиймати қарийб 2,8 миллиард долларлик йигирма битта лойиҳани амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилди.

**(ЎзА).**

# АҚШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 август куни Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

*Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, адлия, нефть-газ, авиасозлик, машинасозлик, савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, авиаташув, фан-таълим, геология ва минерал ресурслар, металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати, божхона, қишлоқ ва сув хўжалиги, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, юқори технологиялар, суғурта ҳамда ахборот технологиялари каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.*

*ЎзА мухбирлари тадбирда иштирок этган АҚШнинг айрим вакиллари билан суҳбатлашди.*

— Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги муҳим давлат, — **деди АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк.** — Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Ўтган йиллар давомида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида юқори даражадаги қатор ташрифлар амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон — иқтисодий ўсиш борасида катта салоҳият ва имкониятларга эга мамлакат. Бизнес-форумда иштирок этган АҚШнинг кўплаб йирик компаниялари Ўзбекистон билан фаол ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш ва мавжудларини кенгайтириш ниятида. Ўзбекистон сармоя киритиш учун жуда қулай мамлакат. АҚШ Ўзбекистоннинг иқтисодиётни юксалтириш борасидаги изчил ислоҳотларини кенг қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон гуманитар ёрдам кўрсатиш, электр энергияси, озиқ-овқат, қурилиш материаллари билан таъминлаш, транспорт коммуникациялари барпо этиш орқали Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишида фаол иштирок этаётир. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани, бу жараённи янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб келинаётгани таҳсинга лойиқдир. АҚШ Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилишга доим тайёр.

— Палата Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўлида катта муваффақиятларга эришмоқда, — **дейди Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм хоним**. — Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат бўлган Ўзбекистон катта иқтисодий ва сармоявий салоҳиятга эга. Юртингиз иқтисодиётида амалга оширилаётган изчил, кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари юксак суръатлар билан ўсиб бориши таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида жуда қулай шароит яратилиб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб бораётир. Мамлакатингизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича самарали механизм шаклланганидиққатга сазовор. АҚШнинг қатор йирик корпорациялари Ўзбекистонда кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаётир. Хусусан, «Женерал Моторс» ва «Кейс Нью Холланд» компаниялари мамлакатингизда бир неча йиллардан буён муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўзбекистон «Боинг»нинг Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан. Мамлакатингизда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида ҳавас қилса арзигулик улкан ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, туб тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларига ўтиш учун барча зарур шарт-шароит яратиш борасида ҳавас қилса арзигулик ишлар бажарилди. Ва улар ҳақли равишда бугун халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда. Мамлакатингизнинг жадал ривожланаётган иқтисодиётига АҚШнинг илғор технологиялари ва сармоясини жалб қилиш икки томон учун ҳам манфаатлидир. Ўзбекистон билан нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиш учун қулай шароит мужассам.

— Табиий ресурсларга бой бўлган юртингиз билан турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, божхона, фармацевтика, машинасозлик каби жабҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истагидамиз, — **деди АҚШ савдо вакилининг ёрдамчиси ўринбосари Мара Бурр хоним.** — Аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ишбилармон аёлларга кўмаклашиш борасида қатор лойиҳаларимиз билан қатнашаяпмиз. Дўстлик тамойилларига асосланган муносабатларимиз янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

— Замонавий технологиялар билан таъминланган компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — **деди АҚШнинг «Бридлав Фудс» компанияси президенти Тед Ходлер.** — Ўзбекистонга илк марта келишим. Ташрифим давомида юртингизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компания ва фирмалар фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдим. Мамлакатингизда озиқ-овқат ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган барча турдаги хом ашё маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланиши эътиборга молик. Шу боис Ўзбекистон билан мазкур соҳада ҳамкорлик қилиш жуда самарали, деб биламан. Келгусида жаҳон талабларига жавоб бера оладиган замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

— Компаниямиз Ўзбекистон билан бир неча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — **деди «Локхид Мартин» компаниясининг халқаро авиация дастурлари бўйича директори Жефф Олтчик.** — Ҳамкорликда қатор авиацион қўшма лойиҳаларни амалга ошираяпмиз. Мамлакатингиз иқтисодиётида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Юртингизда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай сармоявий муҳит, хусусан, солиқ ва божхона имтиёзлари АҚШ иш одамларининг қизиқишини янада оширмоқда. Буни чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналар, қўшма лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

**ЎзА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, авиация соҳасининг самарали фаолиятидаги энг асосий шартлардан бири, шубҳасиз, хавфсиз хизмат ҳисобланади. Жорий йилда МАК “Парвозлар хавфсизлиги” нотижорат ҳамкорлик ташкилотининг “Парвозлар хавфсизлигини таъминлашдаги улкан ютуқлари учун” номинацияси ғолиби бўлгани, Парвозлар хавфсизлиги фондининг “Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун” фахрли дипломи билан тақдирлангани бу борадаги ижобий натижалардан яққол далолат беради. Қолаверса, унинг IOSA аудитидан муваффақиятли ўтгани ҳам муҳим воқеалардан бири бўлди.

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:
# Қулай ва ишончли парвоз

### Логистиканинг ёрқин истиқболи

Ўзбекистон логистика йўналишида нафақат минтақада, балки глобал миқёсда ҳам ёрқин истиқболга эга мамлакат сифатида эътироф этилади. Ана шу салоҳиятни янада кенгроқ юзага чиқаришда эса “Навоий” халқаро аэропорти базасида ташкил этилган йирик Интермодал логистика маркази муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунда бу ерда бир кеча-кундузда 300 тоннага яқин юкни қайта ишлаш имкониятига эга терминал фаолият юритмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, жорий йилда соатига 400 нафар мижозга хизмат кўрсатувчи янги йўловчи аэровокзали ишга туширилди. Айни пайтда Зарафшон воҳаси марказидан Брюссель, Сарагоса, Милан, Шанхай, Вена каби шаҳарларга юк ташувлари йўлга қўйилгани янги уфқларни очишда катта аҳамият касб этмоқда.

### Илғор ўқув базаси ҳамда замонавий самолётлар

Барча соҳада бўлгани каби ҳаво йўллари тизимида ҳам юқори малакали кадрларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу боис Миллий авиакомпания Тренажёр мажмуаси базаси изчил такомиллаштириб борилмоқда. Чунончи, у ерга учувчилар учун стандарт ва мураккаб ҳолатларда вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда тажриба ошириш имконини берувчи “Boeing-767” тренажёри ўрнатилган. Тез кунларда эса учувчиларимиз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган “Ил-114/100” авиалайнерининг “Full-flight” симуляторида самолётни бошқариш бўйича ҳам ўз малакаларини оширадилар.

МАК авиапаркини замонавий “пўлат қуш”лар билан тўлдириш жараёни ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, 2012 йилда янги “Boeing-767” ҳаво лайнерининг сонини тўрттага етказиш кўзда тутилган. 2014 — 2016 йилларда эса иккита “Boeing-787 Dreamliner” самолётини қабул қилиб олиш режалаштирилган.

Хабарингиз бор, “орзу лайнери” ўзининг халқаро тақдимоти доирасида пойтахтимизга келиб қўнган эди. Унинг Тошкент узра 1 соатлик парвоз намойишида ҳамюрт-учувчимиз, МАК Учувчилар мажмуаси директори А. Каримов ҳам иштирок этди. Ҳозир эса ҳар иккала томон мутахассислари “Uzbekistan airways technics” авиакорхонаси базасида самолёт конструкциясининг композицион материаллардан тайёрланган йирик элементларини таъмирлаш бўйича минтақавий цех ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқишмоқда. Бу ҳам самолётларга техник хизмат кўрсатиш борасидаги навбатдаги янги қадамдир, албатта.



Шомурот ШАРАПОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Аэропортларнинг кўркам қиёфаси

Ҳаво йўллари жабҳасида амалга оширилган ислоҳотларда республикамиз аэропортлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам диққат-эътиборда бўлди. Натижада барча талабларга жавоб берадиган ана шундай иншоотлар бугун нафақат пойтахт, балки ҳудудларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Уларда инновацион техника ва технологик ускуналар амалиётга татбиқ этилаётгани эса алоҳида диққатга сазовор.

Қувонарлиси, “Бухоро” халқаро аэропорти 2011 йил якунларига кўра, Фуқаро авиацияси “Аэропорт” Ассоциациясининг “МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши аэропорт” танловида “Динамик равишда ривожланаётган аэропорт” номинацияси бўйича бу сафар ҳам ғолиб, деб топилди.

“Урганч” халқаро аэропортида эса соатига 200 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имконини берувчи, барча қулайликларга эга йўловчилар учиб келиш зали фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш лозимки, республикамиз аэропортларида сифат менежменти тизими жорий этилиб, сертификатлар билан тасдиқланган.

— Буларга муштарак тарзда авиакомпаниямизнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам мунтазам ошиб бормоқда, — дейди “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ахборот хизмати бошлиғи Ф. Қурбонова. — Мисол учун, 2012 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 12339 қатнов амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 419 тага кўпдир. Ўз навбатида, МАК хизматларидан 1 млн. 244 минг нафар йўловчи фойдаланиши натижасида мижозлар сони 2011 йилнинг ҳисобот давридагига нисбатан 17,1 фоизга ошди. Қолаверса, жами 20 минг тонна юк ва 755 тонна почта жўнатилди.

Мухтасар айтганда, Ватанимиз ҳаво йўллари парвозлар хавфсизлиги, йўловчилар ҳамда авиация техникасига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида муҳим ютуқларни қўлга киритмоқда. Бундай қувонарли натижалар, эътирофларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳр-оқибат ва саховат айёми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, буюк неъмат — мустақиллик туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислом маданиятига мансуб минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Ўтмиш аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислом дини таълимотидан элимиз яна баҳраманд бўла бошлади. Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган.

Истиқлол неъмати боис, алҳамдулиллоҳ, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод қилинаётган зиёратгоҳлар юртимиз гўзаллигига янада кўпроқ файз бахш этмоқда.

Шундай экан, буларнинг барчаси учун ҳар қанча шукроналар айтмоғимиз, Яратгандан юртимиз фаровонлиги, элимиз тинчлигини янада зиёда қилишлигини сўрамоғимиз нақадар гўзал амалдир.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

# Маҳалла – мустаҳкам оила суянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жалб этилиб, “Маҳалла” фондининг қуйи тузилмалари томонидан услубий кўмак берилаётганлиги уларнинг фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилаётир.

— Жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларига турли келишмовчиликлар юзасидан 22 мингдан ортиқ аризалар келиб тушган, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Р. Шералиев. — Эътиборлиси, Яраштириш комиссиялари аъзоларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 10 мингдан зиёд оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, 11 мингдан ортиқ оиланинг эса ярашувига эришилди.

Тадбирда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчига айлантириш, уни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрликни кучайтириш, мустаҳкам оилани шакллантиришда маҳалланинг ўрни ва таъсирини ошириш, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди. Айни чоғда Яраштириш комиссиялари фаолияти фақатгина низоли оилалардан келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқишдан иборат бўлиб қолмай, ушбу низолар туб илдизига чуқурроқ кириб бориш, уни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, йиғин ҳузуридаги бошқа комиссиялар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Семинар

*Тошкентда Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган конференцияси якунларига бағишланган семинар ташкил этилди.*

# Барқарор ривожланиш сари

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли давлат идоралари масъул ходимлари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, эколог олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, яқинда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган конференцияга дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистондан соҳа мутахассислари ташриф буюрди. Улар давримизнинг энг долзарб муаммоларига айланиб улгурган иқлим ўзгариши, ичимлик суви танқислиги, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва ёқилғи ресурслари захирасининг камайиб бораётгани каби масалаларни муҳокама қилдилар. Бинобарин, сайёрамиз аҳолисининг ўсиб бориши табиат неъматларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Тахминларга кўра, 2030 йилда ичимлик сувига бўлган талаб бугунги кундагига нисбатан 30 фоизга, электр энергиясига эҳтиёж эса 45 фоизга ошар экан.

Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя сиёсати ва иқтисодий ривожланишнинг миллий модели ҳақида атрофлича маълумот берилди. Айниқса, сўнгги йилларда ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар 5 баробарга кўпайгани, амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар натижасида оналар ўлими 2 баробардан ортиққа, болалар ўлими эса 3 баробарга қисқаргани, шунга мос равишда одамларнинг ўртача умр кўриш даври узайгани чет эллик мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Семинарда қайд этилганидек, барқарор ривожланишнинг учта асосий омили бор. Бу — иқтисодий тараққиёт, кучли ижтимоий ҳимоя ва экология муҳофазаси. Бошқача айтганда, барқарор ривожланиш иқтисодий тараққиёт жараёнида атроф-муҳитга зарар етказмасдан табиий ресурсларни келгуси авлодга безавол қолдириш демакдир. Шу маънода, Ўзбекистонда ушбу эзгу мақсадга эришиш йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар алоҳида эътиборга моликдир.

Дарҳақиқат, республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида мақсадли давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаяпти. Шу билан бирга, 12 та халқаро ҳужжат ижроси тўлақонли бажарилмоқда. Бу кутилган натижани бераётир. Биохилма-хилликни сақлаш, атмосферага зарарли моддалар чиқарилишини камайтириш, табиий захиралардан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар шулар жумласидандир. Хусусан, сув ресурсларини бошқаришнинг интеграциялашган усули жорий қилиниши билан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув сарфи 20-30 фоизга қисқарди.

Экологик таълим барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда узлуксиз экологик таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларнинг асосий қисми трансчегаравий аҳамиятга эга эканлиги унинг таъсирини камайтиришда мураккабликларни юзага келтираётир.

Семинарда Экоҳаракат фаоллари, эколог олимлар ва ёшларнинг туркум маърузалари тингланди.

**С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




Реклама ва эълонлар




Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 4 АВГУСТДАН 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2012 йил 30 июлдаги 01-172-сонли буйруғи.*

**2012 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2384 (2012 йил 11 августдан кучга киради).**

2. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 7 августдаги 171-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2385 (2012 йил 17 августдан кучга киради).**

3. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2012 йил 2 августдаги 5, 56-сонли қарори.*

**2012 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1339-3 (2012 йил 1 сентябрдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160) авиация қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 2 августдаги 9н-сонли буйруғи.*

**2012 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-4 (2012 йил 18 августдан кучга киради).**

5. «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 27 июлдаги 01/09-18/11-сонли қарори.*

**2012 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1467-1 (2012 йил 18 августдан кучга киради).**

6. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 30 июлдаги 5н-сонли буйруғи.*

**2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-7 (2012 йил 19 августдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидаларини» (ЎзР АҚ-91) тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 13 июлдаги 2н-сонли буйруғи.*

**2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-3 (2012 йил 19 августдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 27 июлдаги 53, 2012-21-сонли қарори.*

**2012 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1088-2 (2012 йил 20 августдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 23 июлдаги 3, 42/кк, 25-сонли қарори.*

**2012 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-1 (2012 йил 20 августдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» *(рўйхат рақами 387, 1998 йил 7 январь), (рўйхат рақами 387-1, 1999 йил 29 июнь). Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва Давлат кадастри Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 7 августдаги 171-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом» (рўйхат рақами 1467, 2005 йил 9 апрель). *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 8 августдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. «Қуймачилик ишлаб чиқаришида хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини эксплуатацияга яроқлилик меъёрлари» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-158) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини фойдаланишнинг меъёрларига яроқлиликни баҳолаш услуби» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-158) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

4. «Авиация электр алоқаси ва парвозларни радиотехникавий таъминлаш» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-176) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқлангандан сўнг, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 7 майдаги 12-1101/14528 (11)-сонли ижро варақасига ва 2012 йил 28 июндаги 12-1101/14528 (11)-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудов кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 139,1 кв.м., умумий фойдали майдони 216,3 кв.м. бўлган 0001-литердаги савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 198 450 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 19 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё вилояти, Ховос шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 682,0 кв.м., умумий фойдали майдони 516,46 кв.м. бўлган, 0007-литердан иборат чойхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 152 786 302 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 19 апрелдаги 12-0903/14113 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий маҳалласи, Саноат зонаси ҳудудида жойлашган, фойдали майдони 51 477,0 кв.м. бўлган, 0032-литердан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 622 328 996 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1391R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

■ Тараддуд

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида янги ўқув йилида таълимни сифат босқичига кўтаришнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

# Таълим сифати ва самарадорлик

Маълумки, навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бу борада узлуксиз таълимнинг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Ўтган 2011/2012 ўқув йилида республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини 560 минг 345 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг қизиқиши инобатга олиниб, таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинди.

Масалан, ўтган ўқув йилида ташкил қилинган "Билимлар беллашуви"нинг дастлабки босқичида 1 294 250 нафар ўқувчи қамраб олинган бўлса, халқаро фан олимпиадасида ўндан зиёд ёшларимиз фаол қатнашиб, ўз иқтидорларини намоён этишди. Қолаверса, мусиқа ва санъат йўналишида ҳам кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқдаки, улар халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Хусусан, ўтган йили 41 нафар ўғил-қиз Франция, Италия, Германия сингари ўндан зиёд хорижий давлатларда ташкил этилган танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Жорий йилда эса яна 50 нафар иқтидор эгаси халқаро танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлди. Бу, ўз навбатида, юртимизда ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган эътибор, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасидаги юксак ғамхўрлик натижасидир.

Анжуманда таъкидланганидек, ўқитувчининг билимдонлиги, айни чоғда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаганлиги таълим сифатининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, сўнгги йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларидан 416 минг нафари компьютер саводхонлиги борасида ўз билим ва кўникмаларини оширди. Шундай янгиликлар сабаб, 80 номдаги мультимедиа дастурий воситалари ҳамда 26 номдаги ўқув фильмлари, 13 номда виртуал лабораториялар яратилиб, таълим жараёнига жорий этилди. Шунингдек, информатика фани аввалги йиллардаги сингари 8-синфдан эмас, 5-синфдан бошлаб ўқитилиши белгиланди.

Тадбирда, шунингдек, янги ўқув йилида умумтаълим мактаблари дастурларига киритилган ўзгартиришлар, таълим муассасаларида ўқувчилар ва ўқитувчилар кийиниш маданияти, мактаб формасининг намунаси бўйича бир қатор ҳудудларнинг илғор тажрибалари билан ҳам таништирилди.

Бу йилги "Билимлар куни"да 9763 та мактабда биринчи қўнғироқ жаранглайди. Шу куни қарийб беш юз мингга яқин кичкинтойга "Президент совғалари" тақдим этилса, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, кийим-кечак ва дарсликлар тарқатилади. Айни кунларда, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар, мактаб бозорлари ҳамда ярмаркалари, 2012/2013 ўқув йили учун тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар, мактаб формаси бўйича кўргазмалар ташкил этилмоқда.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**
**Халқ таълими вазирлиги Матбуот хизмати бошлиғи.**

# Миллий халқ ўйинлари фестивали

*Гулистон туманида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали ўтказилди. Унда миллий маданий марказлар қошидаги бадиий жамоалар, фольклор-этнографик ансамбллар вакиллари ҳамда спортчи-ёшлар иштирок этди.*

■ Тадбир

Тадбир доирасида ёшлар кураш, "тўптош-ҳаппак", "оқ теракми, кўк терак" каби халқ ўйинларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, қардош миллат халқларининг миллий ўйинлари бўйича ҳам беллашувлар бўлиб ўтди.

— Мазкур фестиваль вилоятимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларини бир жойга жамлади, — дейди корейс миллий маданий маркази вакиласи Анна Пак. — Айниқса, тадбирнинг Мустақиллик байрами арафасида ўтказилаётгани айни муддаодир.

Тадбир сўнгида "Деҳқон болалари" фольклор-этнографик дастаси ҳамда тумандаги спортга ихтисослаштирилган мактаб тарбияланувчилари томонидан тайёрланган бадиий гимнастика, бокс, миллий кураш турлари бўйича саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Fitch Ratings

O'ZSANOATQURILISHBANK

Шу йилнинг 14 август куни
жаҳоннинг яна бир нуфузли
халқаро рейтинг агентлиги

Fitch Ratings

«Ўзсаноатқурилишбанк»
очиқ акциядорлик-тижорат банкининг

кўрсаткичларини таҳлил
қилиш якунлари бўйича

барча рейтингларини
«БАРҚАРОР»
деб баҳолади.

1399R/1040


● Реклама ва эълонлар ●





«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2012 йил 25 апрелдаги 1-18/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Бўстон маҳалласи, Бўстон кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий ер майдони 480,0 кв.м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 126 667 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қамаши тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 мартдаги 18-1206/2117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қамаши тумани, Баландчайла қишлоғида жойлашган, «Қамашимевасабзавоттайёрловсавдо» шўъба корхонасига қарашли, 2 қаватли, умумий ер майдони 4000,08 кв.м., қурилиш майдони 339,36 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 68 342 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 16 июлдаги 18-1206/30478-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, «Севаз» ҚФЙ, Сариосиё қишлоғида жойлашган, «Содиқбойжон Тўра» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 4100 кв.м., қурилиш майдони 546,65 кв.м., фойдали майдони 838,56 кв.м. бўлган савдо дўкони ва бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 122 500 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 сентябрь куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 ноябрдаги 18-1107/29665-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, Нартичуқур маҳалласи, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, Косон тумани, «Гиссар Престиж» МЧЖга тегишли, 1974 йилда қурилган, умумий ер майдони 758,76 кв.м., қурилиш майдони 754,82 кв.м.дан иборат бўлган «Нурафшон» қишки кинотеатр биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 159 783 000 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан, ФИБ Қарши туманлараро судининг 2011 йил 23 сентябрдаги 1-9129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Қовчин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1500 кв.м., фойдали майдони 196,55 кв.м., яшаш майдони 147,35 кв.м., 6 та хонадан иборат бўлган уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 46 900 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 31 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1387R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК**

**2012 йил 1 сентябрдан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прейскуранти ставкаларига 1,078 коэффициенти, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли иштирокида ташиладиган (нефть ва нефть маҳсулотларидан ташқари) юкларга 1,133 коэффициенти ва ички қатновда «Ангрен» халқаро логистика маркази иштирокида ташиладиган юклар учун 0,657 коэффициенти қўлланилишини маълум қилади.**

1392R/1033


*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 22 август чоршанба куни чиқади).*

## ОБ-ҲАВО

(18 август)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +22 +25 | +38 +41 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +22 +25 | +38 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +22 +25 | +38 +41 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +22 +25 | +38 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Тошкент шаҳрида | +22 +24 | +38 +40 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5